



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ
АҲАМИЯТИ**

Пўлатхужаева Доно

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0002-8069-0878

donopulathuzaeva@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат иқтисодини ривожлантиришда божхона органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда ахборот технологиялари ва рақамлаштиришнинг аҳамияти, афзалликлари ва ютуқлари борасидаги муаммолари ва ҳал этиш йўллари баён этилган. Божхона тарихи ва божхона соҳасига оид хорижий олимларнинг илмий-назарий ва амалий қарашлари таҳлил қилинган. Хулоса ва таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: электрон ҳужжат, интернет, рақамли технологиялар, тизим, ахборот коммуникациялар, стандартлар.

**ВАЖНОСТЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И ОЦИФРОВКИ В ПОВЫШЕНИИ
ЭФФЕКТИВНОСТИ ТАМОЖЕННОЙ СИСТЕМЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Пулатхужаева Доно

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье описываются важность, преимущества и достижения информационных технологий и цифровизации в повышении эффективности деятельности таможенных органов в развитии экономики страны, а также проблемы и пути их решения. Проанализированы научно-теоретические и практические взгляды зарубежных ученых на историю таможенного дела и таможенной сферы. Приведены выводы и предложения.

Ключевые слова: электронный документ, интернет, цифровые технологии, система, информационные коммуникации, стандарты.

**THE IMPORTANCE OF INFORMATION TECHNOLOGY AND DIGITIZATION IN IMPROVING
THE EFFICIENCY OF THE CUSTOMS SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Pulathuzaeva Dono

Tashkent State University of Economics

Abstract. This article describes the importance, advantages and achievements of information technology and digitalization in improving the efficiency of the activities of customs authorities in the development of the country's economy, as well as the problems and ways to solve it. Scientific-theoretical and practical views of foreign scientists on the history of customs and the field of customs have been analyzed. Conclusions and suggestions were cited.

Keywords: electronic document, internet, digital technology, system, information communications, standards.

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологик ривожланиш шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини рақамли иқтисодиётнинг жадал ўсишисиз тасаввур қилиш қийин. Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада либераллаштириш ва кенгайтириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, миллий маҳсулотларимизни экспорт салоҳиятини ошириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш ва тадбиркорларга қулай шарт-шароит яратиш борасида муҳим ислохотлар ўтказилмоқда. Ушбу ислохотлар замирида рақамли иқтисодиёт доирасида замонавий ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини божхона соҳасига жорий этиш орқали божхона органлари фаолияти шаффофлиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Товар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиш учун максимал қулай шароитлар яратиш, божхона операцияларини амалга ошириш вақтини қисқартириш, амалга оширилаётган операцияларни автоматлаштириш ва илғор технологияларни, шунингдек, халқаро меъёр ва стандартлар, хорижий давлатларнинг энг яхши тажрибаларига мувофиқ ишлашнинг янги усуллари жорий этиш божхона органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўтган бир неча йил давомида замонавий рақамли технологиялар ва ахборот тизимларини божхона органлари фаолиятига кенг жорий этиш орқали рақамли иқтисодиётнинг ажралмас бўлаги сифатида «Рақамли божхона» тамойилини жорий қилиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Божхона технологияларини автоматлаштиришнинг мақсади ҳар қандай аниқ қарорни қабул қилишда “инсон омили”нинг салбий таъсирини камайтириш ҳисобланади. Бунда божхона фаолиятини ягона оператив бошқарув тизимига интеграциялашган “сунъий интеллект” элементлари бўлган ахборот технологиялари воситалари қўлланилади.

Ушбу технологиялар ёрдамида ахборот тизимларини такомиллаштириш ва божхона юк декларациясини автоматик тарзда божхона органлари ходимлари иштирокисиз расмийлаштиришни жорий этиш ТИФ иштирокчиларининг харажатлари ва вақтининг тежалишига, божхона органлари фаолиятининг шаффофлигини оширишга хизмат қилади. Ҳозирги вақтда товарларнинг “авто расмийлаштирув” жараёни хавф даражаси паст бўлган экспортга йўналтирилган товарларга нисбатан татбиқ қилинмоқда. Кейинги йилларда эса божхона юк декларацияларини автоматик равишда божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тизимини босқичма-босқич амалиётга киритишни назарда тутувчи автоматлаштирилган ахборот тизимлари ишлаб чиқиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат божхона хизмати органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони (ПФ-57-сон, 25.03.2025 й.) қабул қилинди. Фармонга асосан, давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари қуйидагилар этиб белгиланди:

- 2030 йилга қадар Жаҳон банкининг Логистика самарадорлиги индексида (LPI) божхона расмийлаштируви самарадорлиги кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон Республикасининг ўрнини 55-поғонадан паст бўлмаган даражага кўтариш;

- 2026 йилга қадар божхона декларацияларини инсон омилсиз расмийлаштирув улушини 2 баробар ошириш;

- 2028 йилга қадар божхона кўригини 21 фоиздан 15 фоизга тушириш;

- 2030 йилга қадар сунъий интеллект элементларидан фойдаланган ҳолда хавфни бошқариш тизими самарадорлигини 2 баробар ошириш.

Божхона қўмитаси томонидан соҳани рақамлаштириш, божхона тартиботларини янада соддалаштириш, товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини таъминлаш йўналишларида тизимли ишлар амалга оширилмоқда (Farmon, 2020).

Адабиётлар шарҳи.

Инсониятнинг муҳим ҳаётга ўтиши, қадимий цивилизацияга эга бўлган жойларда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, шунингдек давлатчиликнинг ривожланиши, ортиқча товарларни сотишга (алмаштиришга) яъни савдо йўллариининг очилиши ва ривожланишига олиб келди. Давлат институтларини ўзига хос бўлган (қиролликлар, хонликлар) маъмурлари, солиқлари ва бож олувчилари вужудга келиб ривожланаш бошлади. Эрамиздан аввалги 3-2 минг йиллардаёқ Ассирия подшоси Ашшур Фармон чиқариб, савдога олиб келинган товарларни текшириб, улардан бож олишни тақазо этган ва тарихга “Ашшур божи” номи билан кирган.

Академик Аҳмедовнинг (1985) фикрига кўра божхона органлари бундай тизимнинг бир қисми сифатида Марказий Осиёда қадим замонлардан бошлаб мавжуд бўлган. Чунки кўп минг йиллаб Шарқни Ғарб билан боғлаган Буюк Ипак йўли Марказий Осиё ҳудудидан ўтган. Ўрта денгиздаги Суриянинг Анталя порти узоқ вақт Испания, Португалия, Венециядан товарларни ташувчи кемаларга хизмат қилган. Бу кемалар Буюк Ипак йўли орқали Хитой ва Японияга йўл олганлар. Буюк Ипак йўли орқали амалга ошириладиган савдога қайси даражада алоқадор бўлган барча давлатларнинг божхона органлари тажрибасини умумлаштирувчи қоидалар асрлар давомида такомиллаштирилди ва мақбул ҳолига келтирилди. Агар қайсидир давлат ёки шаҳар божхона қоидаларини қаттиқлаштиради, божлар ва йиғимлар хаддан ташқари кўпайтирилса, карвонлар уни четлаб ўтишни йўлини қидирганлар: биргина Марказий Осиёда Буюк Ипак йўлининг бир нечта шаҳобчаси мавжуд бўлган. Ушбу карвонлар четлаб ўтган давлатлар эса анчагина даромадидан маҳрум бўлишар эди.

Жумладан, 1404 йили Кастилия (Испания) қироли Генрих III элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самарқандга ташриф буюриб, бир мунча муддат яшаган ва “Темур саройига сайёҳат” номли эсдаликларини ёзган. Ушбу эсдаликларда: “Темур дарвозаси” деб аталган, салтанат ҳудудига киришда божхона маскани вазифасини бажарган икки жой тўғрисида ҳам сўз юритган. Жумладан, “...Амир Темур учун булар, айниқса, даромадли манба эди. Буларнинг биттаси Кавказ тизмасининг шарқий тоғ тизмасида, Каспийга тушадиган Дарбандда жойлашган бўлиб, иккинчиси эса Самарқанд ва Балх ўртасидаги тоғ тизмасида, Шаҳрисабздан икки кунлик йўлда жойлашган ерда эди” - деб кўрсатган (Ахмедов, 1996).

Шарқшунос олим Кун (1873) юқорида келтирилган муаллифлар фикрларини тасдиқлаб, “божхоналарда тижорат даромадларидан закот солиғи олинар, бу солиқ маҳсулот турига қараб турлича номлар ва унинг миқдори ўзгариб борарди. Хивага қўшни давлатлардан келтирилаётган маҳсулот учун закот ҳар 40 тиллодан 1 тиллони ташкил этади”, деб ёзади.

Андреева (2016) фикрича, божхона назорати давомида товарларни идентификациялаш божхона юк декларациясида ҳамда товар кузатув ҳужжатларида келтирилган маълумотларнинг ушбу товарнинг ТИФ ТНдаги товар позицияси ва подсубпозициясидаги матнларига мувофиқ товарни бошқасига алмаштириш ҳолатларини истисно қилишдир, деб қаралади.

Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби, Кунио Микурия (2016) томонидан ўзининг “Рақамли божхона, ахборот асрининг имкониятлари” номли мақоласида божхона маъмуриятлари ва Жаҳон божхона ташкилоти иш дастурларида ахборот коммуникация

технологиялари муҳимлиги яна бир бор таъкидлаб, рақамли божхона атамаси қуйидагича таърифланади:

“Рақамли божхона - божхона тўловларини йиғиш ва ҳимоя қилиш, товарлар, одамлар, транспорт воситалари ва пул оқимини назорат қилиш ва трансчегаравий савдони жиноятчиликдан, шу жумладан бутун дунё бўйлаб бош кўтаришда давом этиб турган халқаро терроризмдан ҳимоя қилиш учун рақамли тизимлардан фойдаланишни англатади”.

Мантусовнинг (2018) фикрича, “Рақамли божхона” тушунчаси ахборот-коммуникация технологиялари, маълумотлари базаси, булутли технологиялардан фойдаланишни, электрон божхона технологиялари, шунингдек глобал интернет, оммавий ахборот воситалари ва уяли алоқа тармоқлари орқали олинган маълумотларнинг интеграциялашувини назарда тутати.

Тадқиқот методологияси.

Ҳозирги кунда дунёдаги глобаллашув жараёнида давлатнинг барча секторларини рақамлаштириш ва ортиқча бюрократизмдан воз кечиш ўз олдига юқори ривожланиш ва тараққиётни ҳамда инсонлар фаровонлигини мақсад қилиб қўйган ҳар бир иқтисодий ривожланаётган мамлакатнинг бугунги кундаги дастурига айланди. Илм-фаннинг ютуқлари самараси ўлароқ замонавий ахборот коммуникация технологиялари ривожланар экан, барча соҳаларга жадал суръатларда ўз таъсирини кўрсата бошлади. Зеро, ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлар бугун жаҳон бозорига муваффақиятли интеграцияни амалга ошириш учун барча соҳаларда инсон омилини камайтириш, кўрсатилаётган хизматларни автоматлаштириш, сарфланаётган харажатларни камайтириш, шу билан бирга, фаолиятнинг шаффофлигини оширишни асосий мақсад қилиб қўймоқда.

Хусусан, мамлакат иқтисодиётининг бирламчи элементларидан бири бўлган божхона соҳасини ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига кенг имкониятлар тақдим этиш, божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган фуқароларга қулайликлар яратиш мамлакатнинг божхона соҳасини ривожлантириш борасидаги ислохотларнинг асосий устувор вазифаларидан ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев (2020) таъкидлаганидек, “Рақамлаштириш билан шуғулланмасдан ривожланиш мумкин эмаслигини, бусиз келажагимиз йўқлигини тушуниб етиш керак”. Юқоридагилардан келиб чиқиб, айни кунда мамлакатнинг божхона органлари фаолиятини рақамлаштириш – божхона маъмурчилигини ривож-лантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда божхона маъмурчилиги борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар натижаси ўлароқ божхона органлари хизматларини автоматлаштириш, орган фаолиятини замонавий ахборот технологиялари ёрдамида такомиллаштириш ва рақамлаштириш божхона кўмитасининг асосий мақсадларидан биридир. Рақамли божхона тизимини жорий қилиш ва уни ривожлантириш халқаро нормаларни, хусусан, Божхона таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Киото конвенциясининг асосий талабидир. Жаҳон божхона ташкилоти XXI асрда божхона процедураларини соддалаштириш ва автоматлаштиришнинг пойдевори бўлган Киото конвенциясининг янги таҳририни 2006 йил 3 февралда ишлаб чиқди.

Бунга кўра божхона тартиб-таомилларини рақамлаштириш кам вақт ва ресурс сарфлаб расмийлаштирувни амалга оширишни назарда тутати. Жаҳон божхона ташкилотининг Рақамли божхона концепцияси нафақат бюрократизмнинг олдини олиш учун ахборотларни рақамлаштиришни, балки энг мақбул даражада юқори натижага эришиш учун рақамли ахборотларни таҳлил этишни тавсия этади. Рақамли божхона – божхона органлари фаолиятининг самарадорлиги ва мувофиқлашувига (масалан, автоматлаштирилган божхона расмийлаштируви тизимлари, “Ягона ойна”

концепцияси, электрон ахборот алмашинуви, ахборот узатиш ва шаффофликни ошириш, веб-ресурслардан фойдаланиш) ҳисса қўшадиган ҳар қандай автоматлаштирилган фаолиятни англатади. Рақамлаштиришга глобал ўтиш натижасида иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида муқаррар ўзгаришлар вужудга келади. Бундай шароитда, нафақат мамлакатда мустақил иқтисодиётга эришиш учун, балки иқтисодиётнинг энг кам харажатлар билан жаҳон ҳамжамиятига самарали интеграциялашувини амалга ошириш учун қадам ташлаш зарур (Mozer Sergei, 2019).

Бу давлатнинг маълумотларни қайта ишлаш ва уларни хавфсиз сақлаш хизматлари учун жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашнинг ягона йўлидир. Ўзбекистон Республикасида рақамли божхонани ташкил этишда халқаро стандартларга, хусусан, Жаҳон божхона ташкилотининг бу борадаги тавсияларини инобатга олиш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон божхона ташкилоти миллий божхона органлари фаолиятини рақамлаштириш ҳамда рақамли божхонани ташкил этиш борасида энг мукамал “Рақамли божхона модели”ни ишлаб чиқди. Маълумки, божхона хизматларининг самарадорлиги — миллий божхона тизимини янги технологиялар асосида муттасил такомиллаштириб бориб, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар бўйича божхона тартиб-таомилларни хорижий давлатлар тажрибаларига мувофиқ янада соддалаштириш, шаффофликнинг таъминлаш, хизматлар сифатини кўтариш, ТИФ иштирокчиларига соҳага оид қўшимча ва янги маслаҳат хизматларини тақдим этиш (сўнгги маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш) каби қулай шарт-шароитлар яратиш орқали яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон божхона тизими ҳам бошқа давлатлар сингари ҳар томонлама глобаллашув шароитида божхона хизматини кўрсатиш билан боғлиқ масалаларда турли иттифоқларга аъзолик масаласи кўрилаётган бир шароитда божхона хизматларининг тури ва шакллари такомиллаштириш, улар сифатини оширишга эҳтиёж сезмоқда ва бу айниқса ҳозирги даврда объектив заруратга айланмоқда. Хорижий давлатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, товар ва транспорт воситалари бўйича божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнлари қанчалик автоматлашган бўлса, ТИФ иштирокчиларига тақдим этилаётган божхона хизматлари сифатининг юқори эканлигидан далолат беради. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги ПФ-6005-сон Фармонида кўрсатилганидек, рақамли иқтисодиётга ўтиш рақамли божхона хизматини қўллашни назарда тутди.

Ҳозирги кунда тизимда “электрон декларациялаш”дан “рақамли декларациялаш” жараёнига ўтиш жараёнлари фаол амалга оширилмоқда. Бу эса, мамлакатимизда божхона маъмурчилигини янада кенг ислоҳ қилиш, уни жаҳон стандартлари асосида муттасил такомиллаштириб борилишига қўйилаётган бир қадам, дея баҳолаш мумкин. Божхона назорати ва расмийлаштируви тартиб-таомилларида кўрсатилаётган божхона хизматларини автоматлаштирилиш жараёни кўп қулайлик ва имкониятлар беради. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ҳам ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари асосида божхона органлари томонидан ТИФ иштирокчиларига кўрсатилаётган электрон божхона хизматлари ДБҚнинг “Ягона дарча” Божхона автоматлашган ахборот тизими дастури орқали амалга оширилмоқда.

Ушбу механизм 2012 йилдан бошлаб токи ҳозирги кунгача такомиллашиб бормоқда. Бироқ, ушбу электрон платформа ҳамон ривожланиш босқичида турганлигини таъкидлаш жоиз. Унда ҳозирги кунга келиб, www.singlewindow.uz ТИФ иштирокчиларига 46 та электрон божхона хизматларини кўрсатиш имконияти яратилган. Фикримизча, ушбу рўйхатни, бир қатор божхона хизматларини киритиш орқали кенгайтириш мумкин. Масалан дастлаб “Божхона маслаҳатчиси” электрон божхона хизматини “роли ўйин” тарзида қўшимча сифатида киритишни таклиф этамиз. Мазкур хизмат товарларни экспорт ва импорт қилувчиларга божхона

расмийлаштирувини амалга ошириш тартиби тўғрисида босқичма-босқич йўналиш бериш орқали амалий кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Шунингдек, божхона хизматларини кўрсатишдан ҳам тизим самарадорлигига баҳо беришга имкон яратилади. Бизнингча, ушбу божхона хизматларини нафақат сон жиҳатдан кўпайтириш, балки, уларни сифатини ҳам бир вақтнинг ўзида ошириш масаласига нисбатан тизимли ёндашиш божхона органлари фаолиятининг устувор йўналишига айланиши керак.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳозирги пайтда дунёдаги деярли барча мамлакатларнинг божхона хизматида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси божхона органларида ҳам электрон божхона, божхонани рақамлаштириш ва автоматлаштириш атамалари кенг қўлланиб келмоқда. Албатта, ушбу атамаларнинг бир-биридан фарқи, шунингдек, уларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлик жиҳатлари бўйича кўплаб фикрлар, қарашлар мавжуд. Рақамли божхонани яратиш божхона хизматини ривожлантириш стратегиясини ташкилий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни назарда тутати.

Сўнгги йилларда божхона ҳудудида қайта ишлаш турлари кенгайтирилгани самарасида бу тарзда экспорт қилинган товарлар улуши ўтган йили 1 миллиард доллардан ошган. Бу тизимни янада соддалаштириб, шу йилнинг ўзида экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш мумкин. Қўшни давлатлар билан савдо ва туризм алоқалари кенгайиб бораётгани туфайли чегарадаги йўловчилар ва автотранспорт оқими камида 2 карра ошиши кутилмоқда. Бу қўшимча инфратузилма яратиб, постларда ўтказувчанликни оширишни талаб қилади. Жумладан, халқаро қатновларни кўпайтириш мақсадида автобусларда ҳам, авиарейслардагидек, йўловчилар ҳақидаги маълумотларни олдиндан олиш тизими кўзда тутилмоқда. Натижада автобуслар чегарадан соддалашган тартибда ўтказилиб, расмийлаштириш вақти 2 баробар қисқаради.

Шунингдек, энг йирик божхона постларида енгил автомобиль ва автобуслар учун қизил ва яшил йўлаклар жорий қилиш таклиф этилмоқда. Божхона кузатувида сунъий интеллектни кенг қўллаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда Жаҳон банки мутахассислари кўмагида “хавф тизими” такомиллаштирилади. Бу тизим молиявий барқарорлик, савдо тарихи каби 122 та мезон бўйича тадбиркорларнинг ишончлилик даражасини баҳолайди. Шунингдек, рентген тасвирлари сунъий интеллект асосида таҳлил қилиниб, хавфли товарлар автоматик аниқланади. Ўнга яқин давлатлар билан олдиндан ахборот алмашинуви йўлга қўйилди, божхона расмийлаштируви ва маълумотларни қайта ишлаш марказлари ташкил этилди.

4 та йирик божхона постида терминаллар қурилди, 20 дан зиёди янги ускуналар билан таъминланди. Тадбиркорлар учун 35 та ахборот тизими жорий қилиниб, экспорт жараёнлари 9 босқичдан 3 босқичга тушди. Буларнинг натижасида чегара орқали транспортлар ҳаракати 8 баробар кўпайиб, қарийб 5 миллионга етди. Бюджетга тушумлар 9 баробар ўсиб, ўтган йили 63 триллион сўмдан ошди. Юкларни расмийлаштириш вақти импортда 3 соат, экспортда 20 дақиқагача қисқарди. Умуман, тизим соддалаштирилиши орқали 6 мингга яқин экспортёр ҳамда 20 мингга яқин импортёрнинг сарф-харажати ва вақти тежалган. Халқаро логистика рейтингида божхона кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон 140-ўриндан 74-ўринга кўтарилган. Лекин ҳали рақамлаштириш, жараённи тезлаштириш ва қулайлаштириш бўйича вазифалар кўп.

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикр ва мулоҳазалардан хулоса қилган ҳолда рақамли божхонага қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўларди:

Рақамли божхона – божхона соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш орқали божхона чегарасини кесиб ўтадиган шахслар, товарларга нисбатан божхона операциялари жараёнини тўлиқ рақамли трансформация қилиш, автоматлаштириш билан барча божхона тартиб-таомилларини инсонни тўлдирувчи ёки унинг ўрнини босувчи дастурлар ёрдамида амалга оширишни англатади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, дунё ҳамжамияти божхона хизмати фаолиятида замонамизда тўртинчи саноат инқилоби деб номланувчи янги технологиялар (сунъий интеллект, катта маълумотлар, блочейн, нарсалар интернет ва бошқ.) шиддат билан амалиётга тадбиқ этиб келинмоқда. Божхона соҳасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ҳам рақамлаштиришнинг аҳамияти катта. Божхона органлари хизмат фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари, жисмоний шахслар ва божхона ходимлари ўртасида божхона ҳуқуқий муносабатларидаги мавжуд ҳамда пайдо бўлиши мумкин бўлган бошлиқлар ҳамда камчиликларни бартараф этиш имкониятини беради. Бундан ташқари, божхона расмийлаштируви жараёнларини максимал даражада рақамлаштириш натижасида сунъий интеллектдан фойдаланиш мумкин бўлган тақдирда божхона тартиб-таомиллари натижаси юзасидан якуний, юридик кучга эга бўлган қарор қабул қилувчи, инсон (божхона ходими) ни тўлдирувчи ёки унинг ўрнини босувчи сунъий интеллект билан ҳуқуқий жиҳатдан юзага келиши мумкин бўлган масалалар яъни сунъий интеллект ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилиши ва унинг юридик жавобгарлиги каби келажакда юз бериш эҳтимоли катта бўлган ҳуқуқий ҳодисалар ўзининг долзарблиги билан ҳуқуқ тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Farmon (2020) *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 5 oktyabrdagi "Raqamli O'zbekiston — 2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6079-son farmoni*

Mikuriya K. (2016) *Digital Customs, the Opportunities of the Information Age* // WCO News Magazine. — № 79. — Brussels: World Customs Organization.

Mozer Sergei. (2019) *Improvement of customs regulation: on the strategic concept of digital customs of the World Customs Organization* // Gaps in Russian legislation. – № 4. URL: <http://customs-academy.net/?p=12772> (date of the request: 01.04.2022).

Андреева Е.И. (2016) *Развитие методологии и совершенствование механизма управления идентификацией товаров в таможенных целях: монография* / Е.И. Андреева. М.: РИО Российской таможенной академии, - 202 с.

Ахмедов Б.А. (1985) *Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв.* — Ташкент: Фан, - 280 с.

Ахмедов Б.А. (1996) *Соҳибқирон Темур.* – Тошкент: Маънавият, - 256 б.

Кун А. (1873) *Порядок взимания податей в Хивинском ханстве*// Туркестанские ведомости. – №33 С.131

Мантусов, В.Б. (2018) *Инновации таможенного регулирования внешнеэкономической деятельности Российской Федерации* // Вестник Российской таможенной академии. - № 1. С. 9-16.

Мирзиёев Ш. (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2020 йил 22 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор материаллари.* URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3848>